


VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай мухит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2018 йилнинг январь-декабрда 5080 та кичик бизнес субъектлари (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 130,5 % кўпдир), уларнинг сони 29390 тага етди.

2019 йил 1 январь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 25410 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўткан йилнинг шу даврига қараганда 17,5 % га ошган.Faолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яни 2628 таси (10,3 %) Зангиота, 2603 таси (10,2 %) Қибрай, 1929 таси (7,6 %) Тошкент ҳамда 1660 таси (6,5 %) Юқоричирчиқ туманлари ҳиссаларига тўғри келади.




Фаолият кўрсатайтган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %




2019 йил 1 январь ҳолатига вилоятимизда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 5080 тани ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 1186 тага ёки 30,5 % га ошган.


Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар кесимида сони, бирликда



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг
йиллар кесимида ўсиш динамикаси, 1 январь ҳолатига %да**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
2018 йил январь–декабрь ҳолатига (жамига нисбатан %да)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 25,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (16,8 %), савдо соҳасида (21,6 %) ва қурилишда (11,4 %) ташкил этилган.

2018 йилнинг январь-декабрда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2018 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 57,9 % (2017 йил январь-декабрда 63,6%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8227,3 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 23,5 %) ёки 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 176,8 % ташкил қилди;

- 20421,1 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,6 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 95,9 %) ташкил қилди;

- 2822,0 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 30,2 %) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан 116,0 % ташкил қилди;

- 1233,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 48,5 %) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан 110,1 % кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 109,3 % (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 21,2 %), йўловчи айланмасининг эса 112,3 % (умумий йўловчи айланмасининг 7,4 %) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,0 % ёки 12214,7 млрд. сўм (ўсиш 104,2 %) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 73,8 % ёки 8091,6 млрд. сўми (ўсиш 103,0 %) шакллантирилди;

- 465,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 29,2) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 1080,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 42,8 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	20421,1	98,9
Саноат	8227,3	21,2
Қурилиш	884,4	34,8
Савдо	12214,7	88,0
Юк ташиб, млн т	32,2	0,10
Йўловчи ташиб, млн.киши	89,1	0,06
Экспорт, млн. АҚШ долл.	465,9	x
Импорт, млн. АҚШ долл.	1 080,6	x

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар,
хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**



	ЯХМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Қурилиш	Инвестиции	Хизматлар
2018 йил январь-декабрь	57,9	23,5	95,9	88,0	48,5	30,2	73,8
2017 йил январь-декабрь	63,6	29,2	96,1	88,3	48,5	30,9	76,2